

ТАЛОНЧИЛИК ЖИНОЯТИНИНГ ПРОФИЛАКТИКАСИНИ  
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Алимов Диёрбек Мухтор ўғли  
ИИВ Академияси 3-босқич курсанти, сафдор

**Аннотация:** Ушбу мақола орқали Сиз, талончилик жиноятининг тушунчаси, асосий хусусиятлари, мазкур жиноятнинг профилактикасига оид фаолиятни тартибга солувчи нормалар ва уларни қўллаш амалиёти таҳлил қилиниб, фаолиятни такомиллаштиришга доир таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш ҳақида билиб олишингиз мумкин.

**Калит сўзлар:** талончилик, жиноят, профилактика, норма, ҳуқуқбузар.

ПРЕДУПРЕЖДЕНИЕ ПРЕСТУПЛЕНИЯ КРАБЕЖА

**Аннотация:** Благодаря данной статье вы сможете ознакомиться с понятием преступления грабеж, его основными признаками, нормами, регламентирующими деятельность, связанную с предупреждением этого преступления и практикой их применения, а также выработкой предложений и рекомендаций по совершенствованию активности.

**Ключевые слова:** грабеж, преступление, предупреждение, норма, преступник.

PREVENTION OF THE CRIME OF ROBBERY

**Annotation:** Through this article, you can learn about the concept of the crime of robbery, its main characteristics, the norms regulating the activities related to the prevention of this crime and the practice of their application, and the development of suggestions and recommendations for the improvement of the activity.

**Key words:** robbery, crime, prevention, norm, offender.

Жамиятда барқарорлик, тинчлик ва осойишталикни қарор топтириш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларига сўзсиз риоя этилишини таъминлаш мамлакатни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан янада ривожлантириш, аҳоли фаровонлигини юксалтириш, ҳуқуқий демократик давлат қуриш бўйича амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлардан кўзланган мақсадларга эришишнинг муҳим шarti ҳисобланади<sup>187</sup>. Мамлакатимизда олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотлар халқимиз томонидан қўллаб-қувватланмоқда. Бу ўзгаришларнинг дастлабки

<sup>187</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 10 апрелдаги «Ички ишлар органларининг фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш, жамоат тартибини, фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашда уларнинг масъулиятини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5005-сонли фармони.

натижалари аҳолимиз ҳаёти ва кундалик турмушида ўзининг яққол ифодасини топмоқда, эл-юртимизнинг ижтимоий фаоллиги, эртанги кунга ишончи ўсиб бормоқда. Биз мамлакат ҳаётига доир ҳар бир қарорни халқимиз билан маслаҳатлашиб, бевосита мулоқот асосида қабул қилмоқдамиз. «Халқ давлат идораларига эмас, балки давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак» деган ғоя фаолиятимиз мезонига айланмоқда<sup>188</sup>. Ўтган қисқа давр ичида мамлакатимиз суд-ҳуқуқ тизимида кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилиб, унинг натижасида ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тизими изчил ислоҳ этилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ички ишлар органларининг фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш, жамоат тартибини, фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашда уларнинг масъулиятини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 10 апрелдаги 5005-сонли фармони, «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмалари фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш тўғрисида» 2017 йил 18 апрелдаги ПҚ-2896-сонли қарорида ҳуқуқбузарликлар профилактикасини барвақт таъминлаш, жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларни олдини олиш, ички ишлар органларининг соҳавий хизматлари ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ва жамоатчилик органлари билан ҳамкорликни самарали ташкил этиш каби қатор вазифалари белгилаб берилган<sup>189</sup>. Жиноятчиликка қарши курашиш ва ҳуқуқбузарликлар профилактикасини барвақт амалга оширишда ички ишлар органларида амалиётга татбиқ этилган илғор тажрибалар ҳамда амалга оширилган профилак-тик тадбирлар натижасида жиноятчилик йилдан йилга камайишига эришилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раис-лигида ички ишлар органлари фаолияти, тизимда мавжуд муаммо ва камчиликлар, истиқболдаги вазифаларга бағишланган 2019 йилнинг 10 январь куни ўтказилган видеоселектор йиғилишида «Ички ишлар органлари шундай ишлаши керакки, токи халқ давлатдан рози бўлсин. Лекин айрим жойларда уларнинг фаолияти одамлар эътирозига сабаб бўлмоқда. Айниқса, мол-мулкка жиноий тажовуз каби салбий ҳолатларга тўлиқ чек қўйилмаган. Хусусан, ўғирлик, безорилик ва талончилик жиноятларининг аксарияти фош этилмасдан қолмоқда» деган танқидий фикрлар билдирилган эди<sup>190</sup>.

**Талончилик жинояти деганда**, жабрланувчига нисбатан зўрлик ишлатиб ёки ишлатмасдан мулкни очикдан-очик талон-торож қилиш тушунилади. Бу ҳаракат ўзгалар мулкни очикдан очик ҳаёт ёки соғлиқ учун хавфли бўлмаган

<sup>188</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. // Халқ сўзи. 2017 йил 23

дек

<sup>189</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмалари фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш тўғрисида» 2017 йил 18 апрелдаги 2896-сон қарори.

<sup>190</sup> Мирзиёев Ш. М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини мард ва олижаноб халқимиз билан бирга курашимиз / Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқи – Халқ сўзи. 2017. , 15. 12. 2016

зўрлик ишлатиб ёхуд шундай зўрлик ишлатиш билан кўрқитиб содир қилинади. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 166-моддасига кўра, ўзганинг мулкни очикдан-очик талон-торож қилиш талончилик дейилади. Демак, айбдор жабрланувчи ва бошқаларнинг кўзи олдида ўзганинг мулкни эгаллаб олаётганлиги ва улар бу ҳаракатнинг жинойий хусусиятини тушунганлигини англаганда, ўзганинг мулкни ошкора талон-торож қилиш талончилик ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан талончилик жиноятининг бевосита объекти ўзганинг мулк ҳуқуқини таъминловчи ижтимоий муносабатлар (ЖК 166-м. 1-қ.) ва жабрланувчининг соғлиғини дахлсизлигини таъминловчи ижтимоий муносабатлар (ЖК 166-м. 2-қ.) ҳисобланади. Талончилик ошкора ёки яширин равишда содир этилиши мумкин. Агар айбдор жабрланувчилар ёки бошқа шахслар кўз ўнгида талончилик қилаётганлигини ва улар айбдорнинг ҳаракатлари хусусиятини тушунаётганлигини била туриб, талончиликни амалга оширса, у ошкора деб ҳисобланади. Агар талон-торож қилинганлигини одамлар сезмасалар ёхуд буюм олинганлиги фактини кўра туриб, уни қонуний ҳисобласалар ва айбдор ҳам шунга умид қилган бўлса, у ҳолда талончиликни ошкора деб тан олиниши мумкин эмас. Яширин равишда бошланган талон-торож баъзан ўзгалар мулкни очикдан-очик эгаллашга айланиб кетади. Бундай ҳоллар, мулкни эгаллаш жараёнида жиноятчини сезиб қолишганида, лекин жиноятчи буни тан олмай ўз ҳаракатларини давом эттириб, мулкни ошкора эгаллаб олганда содир бўлади. Талончилик мулкдорга мулккий зарар етказишдек ижтимоий хавfli оқибатлар келтириб чиқаради. Мулкни амалда эгаллаб олиш, яъни жиноятчида талон-торож қилинган нарсадан фойдаланиш ёки тасарруф этиш имконияти пайдо бўлган вақтдан тугалланган ҳисобланади.

Талончилик жиноятнинг объектив томони ўзганинг мол-мулкни очикдан-очик талон-торож қилишда ифодаланади. Масалан, 2020 йил 15 апрель куни фуқаро Рахимов Адхам Абдугаффорович (31.01.1981 й. туғ.) Тошкент шаҳри Чилонзор тумани 7-мавзе 20-уй 47-хонадонда В.А.Могочнинг 500 000 (беш юз минг) сўм миқдордаги пулларини очикдан-очик талон-торож қилган. Мулкни очикдан-очик талон-торож қилиш объектив ва субъектив мезонларга асосланади. Очикдан-очик талон-торож қилишнинг объектив мезони айбдор томонидан ўзганинг мулки ушбу мол-мулк эгаси ёки мол-мулк ихтиёрида ёхуд муҳофазасида бўлган шахсларнинг, ўзганинг мулки талон-торож қилинаётганлигини англаб турган бегона кишиларнинг кўз олдида талон-торож қилинишида намоён бўлади. Очикдан-очик талон-торож қилишнинг субъектив мезони талончи ўзганинг мулкни очик-ойдин талон-торож қилаётган вақтида ўзининг хаттиҳаракатлари мулк эгаси ёхуд мол-мулк тасарруфида бўлган ёки бегона шахслар томонидан кузатиб турилганини англаганда амалга оширилганида кўринади. Талончилик – айбдорнинг очикдан-очик эгаллаган мулкдан ўз хоҳишича фойдаланиши ёки тасарруф этиши имкониятига эга

бўлган вақтдан бошлаб, жиноят тугалланган ҳисобланади. *Талончиликнинг турдош бўлган босқинчилик жиноятидан фарқини билиш лозим.*

Бунда, агар ўзганинг мулки очикдан-очик талон-торож қилинса ёки мулкка эгалик қилиш мақсадида уларнинг ҳаёти ва соғлиғи учун хавфли бўлмаган зўрлик ишлатиб ёхуд шундай зўрлик ишлатиш билан қўрқитиб қилинган ҳаракатлар талончилик деб, ҳужум қилиб ҳаёти ёки соғлиғи учун хавфли бўлган зўрлик ишлатиб ёхуд шундай зўрлик ишлатиш билан қўрқитиб қилинган ҳаракатлар эса босқинчилик деб тавсифланиши зарур. Шунга ҳам эътибор қаратиш лозимки, агар зўрлик ишлатиш ҳаракатлари мулкни яширин равишда талон-торож қилиб бўлганидан сўнг қўлга тушишдан қутулиш мақсадида содир этилган бўлса, бундай ҳаракатлар талончилик ёки босқинчилик деб баҳоланмайди. Бундай ҳолат зўрлик ишлатишнинг хусусиятлари ва келтириб чиқарган оқибатларига қараб ўғирлик деб, бошқа жиноятларнинг белгилари бўлганда жиноятлар мажмуи бўйича тавсифланади. Таҳлил қилинаётган жиноятнинг субъектив томонитўғри қасд билан ғаразгўйлик ниятида содир этилади. ***Жиноятнинг субъекти 14 ёшга тўлган, ақли расо ҳар қандай шахс бўлиши мумкин.***

Талончилик:

а) ҳаёт ва соғлиқ учун хавфли бўлмаган зўрлик ишлатиб ёхуд шундай зўрлик ишлатиш билан қўрқитиб;

б) анча миқдорда;

в) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб содир этилган бўлса, қилмиш Жиноят кодекси 166-моддаси иккинчи қисмининг тегишли бандлари асосида квалификация қилинади. Жиноят кодекси 166-моддаси иккинчи қисмининг «а» банди билан қилмишни тавсифлашда қуйидагиларни эътиборга олиш зарур: – зўрлик ишлатиб талончилик қилиш нафақат ҳаёт ёки соғлиқ учун хавфли бўлмаган аниқ зўрлик ишлатилганда, балки шундай зўрликни қўллаш билан қўрқитилганда ҳам содир этилган ҳисобланади; – зўрлик ёки уни қўллаш билан қўрқитиш мулк ихтиёрида, тасарруфида ёки қўриқловида бўлган шахсга нисбатан, шунингдек ўзганинг мулкни очикдан-очик эгалик қилишга қаршилик қилувчи шахсларга нисбатан ҳам йўналтирилиши мумкин; – жабрланувчининг ҳаёти ёки соғлиғи учун хавфли бўлмаган зўрлик деганда, баданга енгил шикаст етказиш тушунилади. Бундай зўрлик жабрланувчига жисмоний оғриқ етказиш ёки унинг эркинлигини чеклаш билан боғлиқ бўлган ҳаракатларда ҳам намоён бўлади.

Масалан, жабрланувчини зўрлик ишлатиб хонага қамаб, боғлаб қўйиш, оғзига латта тиқиб қўйиш каби ҳаракатлар шулар жумласидан. Ўзганинг мулки талон-торож қилинаётган вақтда зўрлик ишлатилиб, шахс эркинликдан маҳрум қилинган бўлса, айбдорнинг қилмиши зўрлик ишлатиб содир қилинган талончилик ҳисобланади (ЖК 166-м. 2-қ.). Айбдор жабрланувчи билан тўқнашмаслик, унинг мол-мулки тортиб олинишига тўсқинлик қилишининг

олдини олиш мақсадида зўрлик ишлатмасдан уни эркинликдан маҳрум этса (айбдор турган хона эшигини қулфлаб қўйса), айбдорнинг ҳаракатлари зўрлик ишлатмасдан содир этилган талончилик ҳисобланади (ЖК 166-м. 1-қ.). Жабрланувчининг ҳаёти ёки соғлиғи учун хавfli бўлмаган зўрлик ишлатиш билан қўрқитиш бу жабрланувчини ўз мол-мулкани беришга ёки унинг талон-торож қилинишига тўсқинлик қилмасликка мажбурлаш мақсадида унга жисмоний ёки руҳий таъсир кўрсатишдир. Қўрқитиш мол-мулк эгасига ёхуд мол-мулк ихтиёрида ёки муҳофазасида бўлган шахсга нисбатан ёхуд мол-мулкни талон-торож қилиш бегона шахслар кўз олдида содир этилаётган бўлса, ўша шахсларга қаратилиши мумкин. Талончиликда қўрқитиш ҳақиқатда мавжуд ва реал бўлиши керак.

Талончилик:

а) такроран ёки хавfli рецидивист томонидан;

б) уй-жойга, омбухона ёки бошқа хонага ғайриқонуний равишда кириб;

в) кўп миқдорда содир этилган бўлса, қилмиш Жиноят кодекси 166-моддаси учинчи қисмининг тегишли бандларига асосан квалификация қилинади. Такроран ёки хавfli рецидивист томонидан содир этилган талончилик Жиноят кодекси 166-моддаси учинчи қисми «а» банди билан квалификация қилинади. Бунда қилмишни такроран деб баҳолаш учун талончилик жиноятининг турли вақтда, камида икки марта содир этилганлиги (айнан ўхшаш бўлган бўлиши керак, айнан бир модда ёки модданинг бир қисмида кўрсатилган жиноят бўлиши лозим), ушбу жиноят учун шахс судланмаган бўлиши ва мазкур жиноят учун жавобгарликка тортиш муддатлари ўтмаган бўлиши лозим. Агар шахс илгари содир этган жинояти учун қонуний тартибда жиноий жавобгарликдан озод қилинган бўлса ёки жавобгарлик муддати ўтиб кетган бўлса, қилмиш такроран содир этилган деб квалификация қилинмайди. **Талончилик жиноятининг хавfli рецидивист томонидан содир этилиши – шахс илгари талончилик жинояти учун ҳукм қилингандан сўнг, ушбу жиноят учун судланганлик муддатлари ўтиб кетмасдан, қонунда белгиланган тартибда олиб ташланмасдан туриб, ушбу жиноятга айнан ўхшаш бўлган жиноят содир этганида келиб чиқади.**

Айнан ўхшаш жиноятлар деганда, шахснинг илгари судланган Жиноят кодекси Махсус қисмининг айнан бир моддасида ёки қисмида назарда тутилган қилмишни содир этиши тушунилади. Талончилик жиноятини такроран ёки хавfli рецидивист томонидан содир этилган деб квалификация қилиш учун айбдорнинг илгари тамом бўлган талончилик жинояти ёки унга суиқасд қилганлиги, жиноятнинг бажарувчиси ёки бошқа иштирокчиси бўлганлигининг аҳамияти йўқ. Иштирокчиликда талончилик содир этилган, такрорийлик сифатидаги квалификация белгиси фақат ушбу белгига лойиқ айбдорга нисбатан қўлланилиб, бошқа иштирокчиларга нисбатан қўлланилиши истисно

этилади. Уй-жой, омборхона ёки бошқа хонага ғайриқонуний равишда кирган ҳолда содир этилган талончилик Жиноят кодекси 166-моддаси учинчи қисми «б» банди билан квалификация қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1999 йил 30 апрелдаги «Ўзгалар мулкани ўғирлик, талончилик ва босқинчилик билан талон-торож қилиш жиноят ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги 6- сонли қарорининг 9-бандига кўра, ғайриқонуний кириш деганда талончилик қилиш мақсадида уй-жойга, омборхона ёки бошқа бинога кириш тушунилади. Ғайриқонуний кириш нафақат яширин, балки очиқдан-очиқ, тўсиқларни одамларнинг, шунингдек қўриқловчи ходимларнинг қаршилигини енгиб содир этилиши мумкин. Алдаш йўли билан, шунингдек қалбаки рухсатномалардан фойдаланиб, масалан, сантехник, алоқа бўлими ходими, газ, электр энергияси ва ёнғин назорати ходимлари ва бошқалар тариқасида бинода пайдо бўлишни ғайриқонуний кириш деб баҳолаш керак. Ғайриқонуний кириш бирдан бир мақсад бўлиб қолмасдан, айбдорнинг талончилик қилмоқчи бўлган бойликлар сақланаётган жойга кириб боришининг услуги ҳисобланади. Шу сабабли ғайриқонуний кириш уй-жой, бино ёки бошқа жойларга киришдан олдин юзага келади. Агар айбдор хонага бошқа сабаблар билан кирган бўлиб, моддий бойликларни талончилик йўли билан талон-торож қилиш мақсади кейин пайдо бўлса ва унинг бу ниятини амалга ошириши қилмишда талон-торожнинг тушунтирилаётган тавсифлаш белгиси мавжуд эмаслигини англатади<sup>191</sup>.

**Уй-жой деганда,** кишиларнинг доимий ёки вақтинча туришига мўлжалланган (шахсий уй, хонадон, меҳмонхонадаги, санаториядаги хона, дала ҳовли, боғ ҳовли ва бошқ.) бино, шунингдек унинг таркибига кирувчи дам олиш, мулкни сақлаш ёхуд инсоннинг бошқа эҳтиёжларини қондириш учун (балконлар, ойнабанд айвонлар, омборлар ва бошқ.) мавжуд бўлган жойлар тушунилади. Омборхона деганда, товар-моддий бойликларни доимий ёки вақтинча сақлаш, ташиш, талон-торож қилиш, табиий офатлар, айниш ва йўқ бўлиб кетишдан асраш мақсадида махсус жиҳозланган, мослаштирилган алоҳида қурилма ёки жой тушунилади. Талончилик кўп миқдордаги мулкни талон-торож қилиш билан боғлиқ ҳолда содир этилган бўлса, бундай қилмиш Жиноят кодекси 166-моддаси учинчи қисми «в» банди билан квалификация қилинади. Кўп миқдор деганда, базавий ҳисоблаш миқдорининг уч юз бараваридан беш юз бараварига бўлган зарар тушунилади.

Талончилик:

- а) жуда кўп миқдорда;
- б) ўта хавфли рецидивист томонидан;

<sup>191</sup> Криминология. Умумий қисм: ИИВ олий таълим муассасалари учун дарслик / И.Исмаилов, Қ.Р.Абдурасулова, И.Ю.Фазилов. — Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2015. — Б. 185

в) уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлабсодир этилган бўлса, қилмиш Жиноят кодекси 166-моддаси тўртинчи қисмининг тегишли бандларига асосан квалификация қилинади. Талончилик жуда кўп миқдордаги мулкни талон-торож қилиш билан боғлиқ ҳолда содир этилган бўлса, бундай қилмиш Жиноят кодекси 166-моддаси тўртинчи қисми «а» банди билан квалификация қилинади. Жуда кўп миқдор деганда, базавий ҳисоблаш миқдорининг беш юз баравари ва ундан кўп бўлган зарар тушунилади. Талончилик жинояти содир этилгунга қадар қонуний кучга кирган суд ҳукми билан ўта хавфли рецидивист деб топилган шахснинг ҳаракатлари, агар унинг ўта хавфли рецидивист деб топилганлик ҳолати қонунда белгиланган тартибда олиб ташланмаган бўлса, Жиноят кодекси 166-моддаси тўртинчи қисми «б» банди бўйича квалификация қилинади. Талончилик жинояти уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб содир этилган бўлса, қилмиш Жиноят кодекси 166-моддаси тўртинчи қисми «в» бандига асосан квалификация қилинади. Жиноят кодексининг 29-моддаси тўртинчи қисмига биноан уюшган гуруҳ деб, икки ёки ундан ортиқ шахснинг биргаликда жинойий фаолият олиб бориш мақсадида олдиндан бир гуруҳга бирлашиши тушунилади.

Жинойий фаолиятнинг олдиндан режалаштирилганлиги, жинойий қасдни амалга ошириш учун зарур бўлувчи воситаларнинг тайёрланиши, иштирокчиларни танлаш, ёллаш ва улар ўртасида вазифаларнинг тақсимланиши, жиноятни яшириш чораларини таъминлаш, гуруҳда ўрнатилган интизомга ва ташкилотчининг кўрсатмаларига бўйсуниб жинойий гуруҳнинг уюшганлигидан далолат беради. Шу билан бирга, жинойий гуруҳни уюшган деб квалификация қилиш учун асосий мезон тариқасида, масалан, гуруҳнинг барқарорлигини, унда ташкилотчининг бўлишини, одатда, бир неча жиноятни содир этиш мақсадида тузилганлигини, жиноятни амалга ошириш режаси ва йўл-йўриғи ишланганлигини, ҳар бир иштирокчи ўртасида вазифалар тақсимланганлигини, техника билан таъминланганлигини, жиноятни яшириш чоралари кўрилганини, умумий интизомга ва жинойий гуруҳ ташкилотчисининг кўрсатмаларига итоат қилинишини ҳамда шу кабиларни ҳисобга олиш зарур бўлади. Таҳлил этилаётган жиноят уюшган гуруҳ томонидан содир этилган деб топилган тақдирда, жиноятнинг барча иштирокчилари ҳаракатлари уларнинг жиноятни амалга оширишдаги ролдан (иштирокчиликнинг туридан) қатъи назар, Жиноят кодекси 28-моддасига ҳавола қилинмаган ҳолда Жиноят кодекси 166-моддаси тўртинчи қисми «в» банди билан квалификация қилинади. Шу билан бирга, Жиноят кодекси 166-моддаси тўртинчи қисми «в» бандида «уюшган гуруҳ манфаатларини кўзлаб жиноят содир этиш» ҳам квалификация қилинувчи белги сифатида кўрсатиб ўтилган.

Қилмишни мазкур норма билан квалификация қилишда алоҳида шахснинг уюшган жинойий гуруҳ аъзоси эмас, балки ушбу гуруҳ манфаатларини кўзлаб Жиноят кодекси 166-моддасида назарда тутилган ҳаракатларни содир

этганлигини аниқлаш керак. Бунда шахс уюшган гуруҳ унинг жиноий ҳаракатидан манфаатдорлигини била туриб ҳаракат қилади. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 53-моддасига мувофиқ мамлакат иқтисодиётининг негизини турли шаклдаги мулк ташкил этади. Мулк мутлоқ даҳлсиз ҳисобланади ва давлат томонидан қўриқланади, унга нисбатан ҳар қандай тажовуз қонунга зид деб топилади. Судлов амалиётини ўрганиш судлар ўзгалар мулкни ўғрилик, талончилик ва босқинчилик билан талон-торож қилиш жиноят ишлари бўйича қонунларни асосан тўғри қўллаётганлигини кўрсатди. Шу билан биргаликда уларнинг амалий иш фаолиятида баъзи бир хато ва камчиликлар учрамоқда. Бир қатор муаммолар бўйича қонун талабларини тушунишда бир хиллик мавжуд эмас. Мавжуд камчиликларни бартараф этиш, шунингдек мазкур тоифадаги ишлар бўйича қонунни тўғри ва аниқ қўлланилишини таъминлаш мақсадида, «Судлар тўғрисида»ги Қонуннинг 17-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми қарор қилади: Жабрланувчининг ёки бошқаларнинг йўқлигида ёки улар бор бўлсада, уларга билдирмасдан ўзганинг мол-мулкни яширин талон-торож қилиш ўғрилик ҳисобланади. Бордию жабрланувчи ёки бошқалар мол-мулкнинг олинаётганлигини кўрган бўлсада, лекин айбдор билдирмасдан ҳаракат қиляпман деб ўйлаган бўлса, бундай қилмишни ҳам ўғрилик деб тавсифлаш лозим<sup>192</sup>. Ўзганинг мулкни яширин равишда талон-торож қилиш билан бошланган, лекин жабрланувчи ёки бошқа шахслар томонидан сезиб қолинганига қарамасдан айбдор томонидан мулкка эгалик қилиш мақсадида уларнинг ҳаёти ва соғлиғи учун хавfli бўлмаган зўрлик ишлатиб ёхуд шундай зўрлик ишлатиш билан кўрқитиб қилинган ҳаракатлар талончилик деб, хужум қилиб ҳаёти ёки соғлиғи учун хавfli бўлган зўрлик ишлатганда ёхуд шундай зўрлик ишлатиш билан кўрқитганда эса босқинчилик деб тавсифланади. Зўрлик ишлатиш ҳаракатлари айбдор томонидан ўзганинг мулкни яширин равишда талон-торож қилиши тугагандан кейин қўлга тушишдан қутилиш мақсадида содир этилган бўлса, бундай ҳаракат талончилик ёки босқинчилик деб қаралмайди. Зўрлик ишлатишнинг хусусияти ва келиб чиққан оқибатларга қараб қилмишни ўғрилик деб, бошқа жиноятларнинг белгилари бўлганда жиноятлар мажмуи бўйича тавсифлаш лозим.

Айбдор томонидан содир этилаётган воқеани тушуниб етиш қобилиятига эга бўлмаган (масалан, ёши жуда кичиклар, руҳий жиҳатдан ақли норасолар, алкогольдан ёки наркотик моддалардан кучли мастлик даражасида бўлган ёки ухлаб қолган) шахсларнинг мулкни ўғрилаш ўзганинг мол-мулкни яширин равишда талон-торож қилиш деб тавсифланиши керак. Жабрланувчининг эғнида бўлган кийим-кечаги, қўлидаги ёки бевосита ёнида бўлган сумка,

<sup>192</sup> Хўжакулов С.Б. Хукукбузарликларнинг виктимологик профилактикаси// Ўзбекистон Республикаси ИИБ Академияси ахборотномаси –Т.: 2017. №31-сон. Б–26.



чамадон ва бошқа анжомларидан содир этилган яширин талон-торож қилиш кассавурлик деб ҳисобланади ва ЖКнинг 169-моддаси 2- қисми «а» банди билан тавсифланади. Айбдор, жабрланувчи ва бошқаларнинг кўз олдида ўзганинг мулкани эгаллаб олаётганлигини ва улар унинг ҳаракатларининг жиноий хусусиятини тушунганлигини англаганда, ўзганинг мулкани ошкора талон-торож қилиш талончилик ҳисобланади. Жиноят кодексининг 166-моддаси 2-қисми «а» банди билан қилмишни тавсифлашда қуйидагиларни эътиборга олиш лозим: зўрлик ишлатиб талончилик қилиш нафақат ҳаёт ёки соғлиқ учун хавfli бўлмаган аниқ зўрлик ишлатилганда, балки шундай зўрликни қўллаш билан қўрқитгганда ҳам, мавжуд бўлади; зўрлик ёки уни қўллаш билан қўрқитиш мулк ихтиёрида, тасарруфида ёки қўриқловида бўлган шахсга нисбатан, шунингдек, ўзганинг мулкани очикдан-очик эгалик қилишга қаршилик қилувчи шахсларга нисбатан ҳам қарши йўналтирилган бўлиши мумкин; ҳаёти ёки соғлиқ учун хавfli бўлмаган зўрлик деганда, енгил тан жароҳати етказишни тушуниш лозим. Бундай зўрлик жабрланувчига жисмоний азоб берувчи ёки унинг эркинлигини чеклаб қўювчи ҳаракатларда ифодаланиши мумкин.

Товламачиликни босқинчилик ва талончиликдан фарқлашда товламачиликда зўрлик ишлатиш билан қўрқитиш мулкни зўрлик ишлатаётган вақтда эмас, балки келажакда қўлга киритишга қаратилишига эътибор бериш лозим. Агар қўрқитиш амалда ишлатилса, қилмиш ЖКнинг товламачилик ҳақидаги моддаси билан ва асослар бўлганда қўрқитиш амалга оширилаётганда содир этилган ҳаракат учун жавобгарликни назарда тутувчи моддаси билан ҳам тавсифланиши лозим. Ўзгалар мулкани талончилик ва ўғрилиқ билан эгаллаган ва айбдор бу мулкдан ўз хоҳишича фойдаланиш ёки уни ишлатиш имкониятига эга бўлган вақтдан бошлаб, босқинчилик эса жабрланувчининг ҳаёт ва соғлиғи учун хавfli бўлган зўрлик ишлатиш ёки шундай зўрлик ишлатиш билан қўрқитиб ҳужум бошланган вақтдан бошлаб, тугалланган ҳисобланади. Ҳаёт учун хавfli бўлган зўрлик ишлатиш деганда унинг ишлатилиши жабрланувчининг ҳаёти учун аниқ бўлган хавфни вужудга келтирувчи ҳолат (масалан, жабрланувчини бўғиш, бошини сув остида ушлаб туриш ва ҳ.к.) тушунилади.

**Соғлиқ учун хавfli бўлган зўрлик ишлатиш деганда,** жабрланувчига соғлиғининг бузилишига сабаб бўлган тан жароҳати етказиш ёки шундай тан жароҳатини етказиш хавфини туғдирувчи ҳаракатлар (чаккага, қуёш ўрилмасига уриш ва ҳ.к.) тушунилади. Қонун мазмунига кўра босқинчиликда зўрлик ҳам жисмоний, ҳам руҳий бўлиши мумкин. Жиноят кодексининг 164-модда 2-қисми «а» банди билан тавсифланадиган босқинчилик йўли билан мулкка эгалик қилишнинг белгиларидан бири қурол ёки қурол сифатида ишлатиладиган бошқа нарсаларни қўллаш ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1996 йил 27 февралдаги «Қонунга хилоф

равишда қуролга эгалик қилиш тўғрисидаги ишлар бўйича суд амалиёти ҳақида»ги 3-сонли қарорининг 2-бандига мувофиқ пневматик милтиқ, сигнал, старт, газ пистолетлари ёки газ балонлари, ракетницалар ва бошқа имитация-протехник ёки ёритгич воситалари қурол жумласига кирмайди. Била туриб яроқсиз қуролдан ёки ёлғондакам қуролдан (масалан, тўппонча ёки старт тўппончаси макетларидан) баданга шикаст етказишни ният қилмаган ҳолда фойдаланилганда, ҳаёт ва соғлиқ учун хавfli бўлмаганда қуролли босқинчилик сифатида баҳолаш мумкин эмас. Босқинчилик жараёнида айбдор томонидан рухсатнома талаб қилинадиган ўқ отар қурол ишлатилганда ҳамда қурол ёки қурол сифатида фойдаланиш мумкин бўлган бошқа нарсаларни (портловчи, заҳарли моддаларни ва ҳ.к.) ишлатиб босқинчилик содир этилганда унинг ҳаракатларини ушбу жиноятлар мажмуи билан тавсифлаш лозим<sup>193</sup>.

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг 1998 йил 17 апрелдаги «Иқтисодиёт соҳасидаги жиноий ишлар бўйича суд амалиётида юзага келган айрим масалалар тўғрисида»ги 11-сон Пленум қарорининг 5-бандига мувофиқ ўзганинг мулкни талон-торож қилишдан иборат бўлган айбдорнинг ҳаракатларига ҳуқуқий баҳо беришда унинг содир этилиши усулидан (ўғрилик, талончилик, босқинчилик) қатъи назар, жиноят Жиноят кодекси моддасининг оғирроқ жазони кўзда тутувчи қисми билан тавсифланиши лозим ва ушбу модданинг бошқа қисмлари билан қўшимча тавсифланиши талаб этилмайди. Масалан, жиноят ЖК 169-моддаси 4-қисми билан жуда кўп миқдорда талон-торож қилиш белгиси бўйича квалификация қилинганда, ЖК мазкур моддасининг 1, 2 ва 3-қисмлари билан қўшимча квалификация талаб этилмайди. Давомли талон-торож содир этилган ҳолларда айбдорнинг ҳаракатлари талон-торож қилинган умумий суммани ҳисобга олган ҳолда тавсифланиши зарур. Агар шахснинг ҳаракатлари давомли жиноят хусусиятига эга бўлмасдан бир неча мустақил эпизодлардан мисол учун, ўғрилик, талончилик, босқинчилик ва бошқалардан иборат бўлса, бу ҳаракатлар талон-торож қилинган умумий суммадан келиб чиққан ҳолда тавсифланиши мумкин эмас. Бундай ҳолларда жиноятни ўзганинг мулкни талон-торож қилганлик учун жавобгарликни назарда тутувчи Жиноят кодексининг тегишли моддалари диспозициясига мувофиқ, жумладан такрорийлик белгиси билан тавсифлаш лозим.

**Ғайриқонуний кириш деганда** ўғрилик, талончилик ва босқинчилик қилиш мақсадида уй-жойга, омборхона ёки бошқа бинога кириш тушунилади. Ғайриқонуний кириш нафақат яширин, балки очикдан-очик, тўсиқларни, одамларнинг, шунингдек, қўриқловчи ходимларнинг қаршилигини енгиб содир этилиши мумкин. Алдаш йўли билан, шунингдек, қалбаки рухсатномалардан

<sup>193</sup> Хўжакулов С.Б. Ҳуқуқбузарликларнинг виктимологик профилактикаси// Ўзбекистон Республикаси ИИБ Академияси ахборотномаси –Т.: 2017. №31-сон. Б–26.

фойдаланиб, масалан, сантехник, алоқа бўлими ходими, газ, электр энергия ва ёнғиндан назорат қилувчи ходимлар ва бошқалар тариқасида бинода пайдо бўлиши ғайриқонуний кириш деб баҳолаш керак. Ғайриқонуний кириш бирдан-бир мақсад бўлиб қолмасдан, айбдор ўғрилаб кетмоқчи бўлган бойликлар сақланаётган жойга кириб боришнинг услуги ҳисобланади. Шу сабабли уй-жойдан, бинодан ёки бошқа омборхонадан ўзганинг мулкани талон-торож қилиш нияти ғайриқонуний киришдан олдин юзага келади. Агар айбдор хонага бошқа сабаблар билан кирган бўлиб, моддий бойликларни яширин ёки очиқдан-очиқ талон-торож қилиш мақсади кейин пайдо бўлса ва бу ниятини у амалга оширса, қилмишда талон-торожнинг тушунтирилаётган тавсифлаш белгиси мавжуд бўлмайди.

**Уй-жой деганда** кишиларнинг доимий ёки вақтинчалик туришига мўлжалланган (шахсий уй, хонадан, меҳмонхонадаги, санаториядаги хона, дала ҳовли, боғ ҳовли ва бошқалар) бино, шунингдек, унинг таркибига кирувчи дам олиш учун, мулкни сақлаш учун ёхуд инсоннинг бошқа эҳтиёжларини қондириш учун (балконлар, ойнабанд айвонлар, омборлар ва бошқалар) тушунилади. Омборхона деганда, товар-моддий бойликларни доимий ёки вақтинча бўлсада сақлаш, ташиш, талон-торож қилишдан, табиий офатлардан, айнишдан ва йўқ бўлиб кетишдан асраш учун махсус жиҳозланган, мослаштирилган алоҳида қурилма ёки жой тушунилади. Махсус мосламалар (илгаклар, қармоқлар, магнитлар, сўриб олувчи резинка ичаклар, қисқичлар ва ҳоказо)дан фойдаланиб ўзганинг мулкани эгаллаш тушунтирилаётган уй-жой, омборхона ва бошқа хонага кириб қилинган талон-торожнинг тавсифлаш белгисини ташкил этмайди. Ўғрилик, талончилик ва босқинчилик билан талон-торож қилиш жиноят ишларини тергов қилишда ва судда кўришда уларнинг содир этилишига имкон берган барча сабаб ва шарт-шароитларни аниқлаш ва бартараф қилиш мақсадида процессуал қонун асосида тегишли чоралар кўрилиши шарт.

### **ХУЛОСА**

Ўтган қисқа давр ичида ички ишлар тизими ва унинг фаолиятини тубдан яхшилаш, борасида кенг қўламли ислоҳотлар амалга оширилди. Қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг таҳлилига таяниб, ички ишлар органлари фаолиятига янги тартиблар ва механизмларнинг жорий этилганлигини инобатга олган ҳолда айтиш мумкинки, тизимдаги ислоҳотларнинг биринчи босқичи яқунланди. Ушбу босқич яқунларини сарҳисоб қилар эканмиз, соҳада дастлабки самаралар кузатилаётганлигини қайд этиш жоиз.

Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида салмоқли натижаларга эришилди. Республикамизда амалга оширилаётган туб ислоҳотлар жамият ҳаётининг барча соҳаларида тартибга солишнинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаб бораётган, демократия адолат, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини муҳофаза қилиш принципларига амал қилинаётган бугунги кунда фуқаролик жамияти ва демократик давлат қуриш

масалалари бўйича муҳим аҳамият касб этган ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши кураш сиёсатининг асосий йўналишларидан бири ҳисобланган профилактика инспекторининг ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга ошириш фаолиятини ўрганиш муҳим аҳамият касб этади. Шу билан бирга, ички ишлар органлари фаолияти билан боғлиқ аҳолини безовта қилаётган кўпгина муаммо ва камчиликлар ҳам ўз ечимини кутиб турибди. Бу ўринда қўлга киритилган дастлабки ютуқлар билан кифояланиб қолмасдан, ҳали тизимни ислоҳ қилиш бўйича амалга ошириладиган ишлар ниҳоятда кўп эканлигини эътиборга олган ҳолда олиб борилаётган ислохотларни жадаллаштиришимиз, уларнинг самарадорлигини янада оширишимиз зарур.

Ички ишлар органларини аҳолига яқинлаштириш орқали ҳуқуқбузарликлар профилактикасини ва жиноятчиликка қарши курашиш ишларини тизимли ташкил этиш мақсадида жойларда ички ишлар бўлималаридан олисда жойлашган аҳоли пунктларида қўшимча 175 та бўлинма ва 824 та ички ишлар органлари тачнч пункти ташкил этилди. Профилактика инспекторлари сони 1102 та нафарга оширилди. Амалга оширилган ислохотларнинг муҳим жиҳати шундаки, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликнинг барвақт олдини олиш ва унга қарши курашишга бутун жамоатчилик, хусусан маҳалла, хотин-қизлар, ёшлар ташкилотлари билан ҳамкорлик йулга қўйилмоқ-да. Бу ишлар кўплаб ижобий кўрсаткичларга эришиш имкониятини берди. Жиноятчиликнинг барвақт олдини олишда ва содир этилган жиноятнинг ўз вақтида фош этилишини таъминлашда ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширувчи органларнинг хусусан профилактика инспекторларининг роли янада кўчайтирилди. Ўзбекистон республикаси президентининг 2021 йил 26 мартдаги “Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида ички ишлар органлари фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6196 сонли фармонининг 2- бандига асосан ички ишлар органлари тачнч пунктлари негизида маҳалла ҳуқуқ-тартибот масканлари ташкил этилди. Фармоннинг 8-бандига асосан Ички ишлар органлари тизимини янада такомиллаштириш бўйича «йўл харитаси» тасдиқланди ва ички ишлар органлари фаолиятига рақамли ва замонавий ахборот технологияларини кенг жорий этиш унинг асосий йўналишларидан бири этиб белгиланди. Шундай бўлсада, профилактика инспекторининг ҳуқуқбузарликлар профилактикасини ташкил этиш фаолиятида қуйидаги муаммо ва камчиликлар ҳам учрайди:

**Биринчидан,** Ички ишлар органларининг талончилик билан боғлиқ ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасини ташкил этиш юзасидан ИИОларнинг ўзаро соҳавий хизматлари доирасида ҳамда бошқа ХМҚО органлари, шунингдек, Фуқаролик жамияти Институтлари билан ҳамкорлигининг тизимли асосда йўлга қўйилмаганлиги;

**Иккинчидан,** Талончилик жиноятининг виктимологик профилактикаси фаолиятини амалга оширишда инновацион ахборот-коммуникация воситалари билан тулиқ таъминланмаган. ОАВдан кенг кўламда ва мақсадли фойдаланилмаслиги;

**Учинчидан,** талончилик жиноятининг кўп қаватли уйлар орасида, одамлар гавжум бўлмайдиган жойларда содир этилишига шароитнинг яхшилиги;

**Тўртинчидан,** талончилик жиноятининг латентлик даражасининг ўсиб бораётгани ва ушбу турдаги жиноятдан фуқароларнинг ўз-ўзини муҳофаза қилиш даражасининг пастлиги.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, профилактика инспекторининг ҳуқуқбузарликлар профилактикасини ташкил этишни такомиллаштириш бўйичақуйидаги таклиф ва тавсияларни амалиётга жорий этиш мақсадга мувофиқ:

**Биринчидан,** Аҳоли ўртасида талончилик жиноятдан жабрланишни олдини олиш мақсадида виктимологик ташвиқот ва тарғибот чоратадбирларини ўтказиш самарадорлигини ошириш учун Фуқаролик жамияти Институтларининг имкониятларидан кенг фойдаланиш.

**Иккинчидан,** талончилик жиноятининг виктимологик профилактикаси фаолиятини амалга оширишда инновацион ахборот-коммуникация воситалари билан тулиқ таъминлаш ва ОАВ билан узвий ҳамкорликни амалга ошириб, жамиятда огохлик ҳиссини кучайтириш.

**Учинчидан,** ички ишлар органлари ходимлари ва миллий гвардия ходимлари томонидан жамоат тартибини сақлашга сафарбар қилинган куч ва воситалар тақсимоти ва йўналишларини қайта ишлаб чиқиш;

**Тўртинчидан,** ички ишлар органлари ходимлари томонидан талончилик жиноятдан жабрланиш хавфи юқори бўлган шахсларга, айниқса, аёлларга таълим муассасаларида ўзини ўзи химоя қилиш ва жиноятчини қўлга 79 олиш ёки ушлаш усулларини ўргатувчи махсус ўқув курсларини ташкил этиш ва керакли тушунчаларни бериш ва малакани шакллантириш;

Юқоридагилардан келиб чиқиб шуни такидлаш мумкинки, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасида амалга оширилган ислоҳотларни изчил давом эттириш, фаолиятни моддий-техник таъминотини яхшилаш, соҳани етук, малакали кадрлар билан таъминлаш, хорижий давлатларнинг илғор иш тажрибаларини профилактика инспекторининг ҳуқуқбузарликлар профилактикасини ташкил этиш фаолиятига жорий этиш муҳим аҳамият касб этади.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Каримов И. А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т. , 2008 йил.

2. Мирзиёев Ш. М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб янги босқичга кўтарамиз. – Т., 2017 йил.

3. Мирзиёев Ш. М. буюук келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. – Т., 2017 йил.

4. Мирзиёев Ш. М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз / Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқи – Халқ сўзи. 2017. , 15. 12. 2016

5. Мирзиёев Ш. М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. // Мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий яқунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузаси.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 мартдаги «Хуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши кураш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2833 сонли қарори // УРЛ: [ҳтп://www.lex.uz](http://www.lex.uz);

7. Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 11 июлдаги «Ўлим жазоси бекор қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонуни билан чиқарилган. // УРЛ: [ҳтп://www.lex.uz](http://www.lex.uz);

8. Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 29 мартдаги «Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонуни УРЛ: [ҳтп://www.lex.uz](http://www.lex.uz);

9. Ўзбекистон Республикасининг 2015 йил 10 августдаги «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонуни УРЛ: [ҳтп://www.lex.uz](http://www.lex.uz);

10. Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясининг ахборотномаси. — №(47)// [ҳтп://портал.акд/филес/Сборники/Ахборотнома/Ахборотнома2020-4](http://портал.акд/филес/Сборники/Ахборотнома/Ахборотнома2020-4); 96

11. Криминология. Умумий қисм: Дарслик / И. Исмаилов, Қ.Р. Абдурасулова ва бошқалар. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2015 й. Б–179.

12. Хўжақулов С.Б. Хуқуқбузарликларнинг виктимологик профилактикаси// Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси ахборотномаси –Т.: 2017. №31-сон. Б–26.

13. Криминология. Умумий қисм: ИИБ олий таълим муассасалари учун дарслик / И.Исмаилов, Қ.Р.Абдурасулова, И.Ю.Фазилов. — Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИБ Академияси, 2015. — Б. 185